



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№16 (969)

2026 йил 13 март, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



3



Шаҳарларни ривожлантириш масаласига янгича ёндашув

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида уй-жой шароитларини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг "Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартирали уйлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (ПФ-29-сон, 24.02.2026 й.) ва "Кўп квартирали турар жой мажмуаларини қуришда комплекс қурилиш механизмларини жорий этиш ва шаффофликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (ПҚ-73-сон, 24.02.2026 й.) ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Матбуот анжуманидан лавҳа.



Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоят, вазири ўринбосари Давронжон Адилов ҳамда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раиси Шерзод Қудбиев иштирок этди.

Ийғилишда уй-жойларни комплекс қуриш механизмлари, қурилиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш, шаҳарсозлик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда "Уй-жой" ягона рақамли урбанизация платформаси орқали жорий этилаётган янги тизимлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

– Бутунги кунда шаҳарларни ривожланти-

риш масаласига янгича ёндашув жорий этилмоқда, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоят. – Эндиликда аҳоли пунктларининг бош режаси ва мастер-режалари ҳудудларнинг ўзоқ муддатли ривожланиш истиқболларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Бу эса, шаҳар инфратузилмасини мувозанатли ривожлантириш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ва аҳолига қулай муҳит яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбирда ҳудудларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини такомиллаштириш, замонавий урбанистик ечимларни жорий



Шаҳарларни ривожлантириш масаласи муҳофизат қилинмоқда.

этиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда тизимли ва комплекс ёндашувни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида эскроу тизими ҳақида ҳам сўз юритилди.

Шерзод Хидоят мазкур тизим, аввало, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлаб, шундай деди:

– Эскроу тизими – бу энг аввало, аҳоли манфаатларини қўзлаган механизм. Фуқаролар томонидан уй-жой хариди учун тўланган маблағлар банкдаги алоҳида ҳисобда сақланади ва қурилиш ишлари белгиланган тартибда бажарилгач-

гина қурувчи ташкилотга йўналтирилади. Бу эса, фуқароларнинг маблағлари ва мулк ҳуқуқининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Қайд этилишича, ушбу тизим қурилиш лойиҳаларининг масъулият билан амалга оширилишини таъминлаш ҳамда уй-жой бозорига фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, янги механизмлар орқали шаҳарсозлик жараёнлари тартибга солиниб, ҳудудларни бош режа ва мастер-режалар асосида ривожлантириш, замонавий ҳамда қулай яшаш муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Пойтахтда транспорт бошқарувининг янги босқичи бошланди

Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқариш тизимини замонавий даражага олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази (ЙХТЭМ) томонидан пойтахт чорраҳаларини ягона интеллектуал тизимга бирилаштиришга қаратилган рақамли трансформация жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мазкур лойиҳа доирасида транспорт оқими-ни реал вақт режимида таҳлил қиладиган "акли" тизим жорий этилмоқда. Бу чорраҳаларда ҳаракатни самаралироқ ташкил этиш, тирбандликларни камайтириш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга хизмат қилади.

Асосий ўзгаришлар

Янги тизим доирасида светофорлар транспорт оқимининг интенсивлигига қараб авто-

матик равишда мослашади. Махсус камералар ва датчиклар чорраҳадаги транспорт оқимини кузатиб боради ва зарур йўналишларда "яшил чирок" вақтини узайтиради.

Шунингдек, жамоат транспортига устуворлик бериш механизми ҳам жорий этилмоқда. ГПС-мониторинг орқали светофорлар яқинлашаётган автобусни аниқлайди ва унга устувор ҳаракат имконини беради. Натижада автобуслар бекатларга тезроқ етиб боради ва йўловчиларнинг кутиш вақти қисқаради. Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича маълумотлар ҳам рақамлаштирилиб, ягона харитага joyлаштирилган. Бу муҳандисларга тирбандликлар ва хавфли ҳудудларни олдиндан аниқлаш ҳамда ҳаракат схемасини такомиллаштириш имконини беради.

Назорат

Сув таъминоти соҳасида мониторинг тадбирлари давом этяпти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 602-сон қарорида Инспекцияга ичимлик сувини ишлаб чиқариш, реализация қилиш, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизматлар соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Сардор ДАДАБАЕВ,
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси шўъба бошлиғи.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бугунги кунда қонун ҳужжатларида етказиб берилаётган ичимлик суви сифати бўйича таҳлиллар ўтказилди. Шунингдек, 20 та ичимлик суви таъминоти иншоотида технологик аудит ўтказилиб, 23 та ичимлик суви етказиб берувчи қудуқлар ўрганилганда 2 та ҳолатда камчилик аниқланди. 8 та оқова сув тозалаш иншоотида ўтказилган ўрганишлар натижасида 4 та камчилик аниқланди. 52 та ҳолатда ичимлик суви ва оқова сув тармоқларига ноқонуний ураниш ҳолатлари аниқланиб, қоидабузарларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.



Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари иш жараёнида.



Ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Оқова сувларни ифлослантирганларга жавобгарлик бор

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария ҳолатини яхшилаш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, оқова сувларни тозалаш ва уларни белгиланган меъёрлар асосида тармоқларга чиқариш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Бобур ЖУМАНИЯЗОВ,
Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан коммунал оқова сув тармоқларига меъёридан ортиқ ифлослантирилган сувларни оқизиш ҳолатлари жиддий экологик ва санитария муаммоларини келтириб чиқаради.

Амалдаги қонунчиликка кўра, истеъмолчилар – яъни юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар ишлаб чиқариш оқова сувларини коммунал тармоқларга чиқаришдан олдин уларнинг таркиби белгиланган коммунал-экологик нормативларга мос бўлишини таъминлаши шарт. Бу нормативлар оқова сув тармоқлари ва тозалаш иншоотларининг нормал ишлашини таъминлаш, атроф-муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида белгиланади.

Агар истеъмолчилар томонидан тармоқларга меъёридан ортиқ ифлослантирилган оқова сувлар оқизилса, бу ҳолат қонунбузарлик ҳисобланади.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today





▼ Матбуот анжуманидан лавҳа.

Пойтахтда транспорт бошқарувининг янги босқичи бошланди



Техник имкониятлар ва тизим қўлами

Хозирги кунда тизимга 125 та муҳим чорраҳа уланган. 2026 йилда 545 та объектни тизимга улаш режалаштирилган. Умуман олганда, Тошкент шаҳрида қарийб 1000 та светофорли чорраҳа мавжуд. Хар бир “ақли” чорраҳа камда 4 та камера ва транспорт оқими зичлигини ўлчовчи датчиклар билан жиҳозланади. Тизимни бошқариш ва таҳлил қилиш жараёнарарида 30 дан ортиқ транспорт муҳандислари, IT-таҳлилчилар ҳамда халқаро экспертлардан иборат жамоа фаолият олиб бормоқда.

Тизимнинг узлуқсиз ишлаши учун бир неча даражадаги ҳимоя механизмлари жорий этилган. Алоқа узилиб қолган тақдирда светофорлар

автоном режимда ишлашни давом эттиради. Серверлар ва алоқа каналлари захира тизимлар билан таъминланган, зарурат бўлганда мутахассислар жараёнга масофадан туриб аралашishi мумкин.

Йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишлар

Транспорт тизимини такомиллаштириш доирасида куйидаги йўналишларда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда:

- микромобилилик воситалари учун ечимлар ишлаб чиқиш;
- “ақли” светофорларни ўрнатиш, мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда пиёдалар учун янги светофор объектиларини барпо этиш;

Барча бекатлар янгиланади

Авалброқ, йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази (ИХТЭМ) мутахассислари пойтахтнинг энг тирбанд 472 километр автомобиль йўлини аниқлагани ва устувор йўналишлар бўйича ишлар бошлангани ҳақида айтилган эди. Биринчи босқичда 100 километрлик масофа қамраб олиниб, 360 дан ортиқ бекат ва 190 та катта-кичик чорраҳа хатловдан ўтказилди.

Ўтказилган аудит натижалари жамоат транспорти йўналишида бекатлар ўрнида халқ тилида “тижорат дўконлари” деб аталадиган 110 та савдо объекти жойлашганини кўрсатди. Улардан 61 таси бекат мажмуаси ҳудудига эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим эта олмаган. Уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилиб, тегишли чоралар кўрилади. Шаҳар маъмурия-тининг тегишли қарорига асосан, барча бекатлар янгиланади. Рухсат берувчи ҳужжатларга эга тадбиркорларга савдо нуқталарини ўрнатиш учун бошқа жой ажратиш орқали компенсация тўлаш механизми кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, бүгун Тошкентда йўловчи оқими ортиб бормоқда. Шаҳарликлар жамоат транспортини тобора кўпроқ танлаяпти – бунинг ортидан қўлайлик, хавфсизлик ва хизмат сифатига бўлган талаб ҳам табиий равишда юксалмоқда.



Шу мақсадда, давлат транспорт тизимини изчил равишда кучайтирмоқда: автобуслар парки кенгайиб, йўналишлар ва инфратузилма янгиликларга эга. Бу ўзгаришлар ўз навбатида қўлай бекатлар, хавфсиз платформалар, тушунарли навигация ва тўташ ҳудудлардаги тартиб каби тегишли шаҳар муҳитини тақозо этади. Пойтахтдаги бекат инфратузилмасини тартибга солиш ва янгилаш бўйича ўтган йили бошланган ишлар бутун ҳам давом эттириляпти. Рақамли транспорт маркази ташкил этилганидан буён бу вази-фа янги марказ мутахассислари ва ходимлари томонидан мувофиқлаштириб келинмоқда.

Жаҳон амалиёти кўрсатганидек, жамоат транспорти бекатларининг замонавий концепциялари бекат ҳудудида савдо объектиларининг бўлмаслигини, йўловчиларнинг транспортнинг эркин ва хавфсиз кутишини, платформаларнинг етарлича кенг бўлишини ҳамда тирбандлик юқори бўлганда уларни кенгайтириш имкониятини, шунингдек, инклюзив муҳит яратилишини назарда тутди.

Ўз мухбиримиз.

Пиёдалар учун қўлай ерости ва ерусти йўллари

Жиззах вилоятида йўл инфратузилмасини ривожлантириш орқали ҳайдовчилар ва пиёдалар учун хавфсиз ҳаракатлиниш муҳитини яратишга қаратилган қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Бу борада шаҳар ва туманларда автомобиллар ҳамда пиёдалар учун ерусти ва ерости ўтиш йўллари барпо этилиб, мавжуд кўчалар замон талабларига мос равишда қайта жиҳозланмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Вилоят автомобиль йўллари бошқармаси мутахассиси Хусниддин Сувоновнинг таъкидлашича, ҳудуд орқали бир суткада ўртача 50-60 мингта автотранспорт воситаси ҳамда 10-15 минг нафар пиёда ҳаракатланади. Шу боис, уларнинг хавфсизлигини барқарор таъминлаш мақсадида йўл инфратузилмасини такомиллаштиришда замонавий лойиҳалардан самарали фойдаланилмоқда.

Маълум қилинишича, 2025 йилда Жиззах шаҳри ҳудудида пиёдалар учун мўлжалланган ерости ўтиш йўллари сони 5 тани ташкил этган. “Йўл харитаси”га мувофиқ, мазкур ишлар 2026 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, янги барпо этилаётган ерусти ва ерости ўтиш йўли лойиҳаси шахмат усулида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг умумий узунлиги 300 погонметр-ни ташкил этади.

- светофорларга вақт ҳисоблагичларини (таймерларни) ўрнатиш;
- жамоат транспортга устуворлик бериш ва автобуслар учун махсус йўлақлар ташкил этиш;
- бекатларни ягона стандарт асосида модернизация қилиш ва уларнинг майдонини кенгайтириш;
- кўчаларни жорий таъмирлаш, фрезерлаш ва асфалтлаш ишлари;
- чорраҳаларни реконструкция қилиш;
- пиёдалар йўлақлари, тротуарлар ва ўтиш жойларини таъмирлаш;
- йўл белгилари ва кўрсаткичларини янгилаш;
- пуллик автотураргоҳларни ташкил этиш;
- кўча ёритиш устунларини модернизация қилиш;
- ташқи реклама объектиларини тартибга солиш ва ноқонуний объектиларни демонтаж қилиш.

Натижа ва мақсад

Марказ томонидан жорий этилаётган интеллектуал транспорт тизими пойтахт йўл тармоғининг “рақамли эгизаги”ни яратишга хизмат қилади. Бу нафақат тирбандликларни камай-тириш, балки йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ошириш, транспорт оқимини мувозанатли бошқариш ва фуқароларнинг йўлда сарфлайдиган вақтини қисқартиришга имкон беради.

Лойиҳа бир неча босқичда шаклланган:

- **2024 йил 5 март** – Тошкент чорраҳаларини тартибга солиш концепцияси тақдим этилди. Асосий устувор йўналишлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат транспортга устуворлик бериш ва тирбандликларни камайтириш;
- **2024 йил** – Бобур ва Фуқрат кўчалари кесишмасида адаптив бошқарув тизими синов тариқасида жорий этилди;
- **2025 йил 4 декабрь** – Президентнинг Тошкент шаҳрида транспорт тизимини бошқаришни такомиллаштириш ва тирбандликларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарори қабул қилинди;
- **2026 йилдан** – тизимни кенг жорий этиш босқичи бошланди: штат шакллантирилмоқда, регламентлар ишлаб чиқилмоқда ва светофорлар автоматлаштирилган бошқарув тизимига босқичма-босқич уланмоқда.

Мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрида замонавий, самарали ва барқарор транспорт тизимини шакллантириш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

Қурилиш ишлари назорати кучайтирилади

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси иштирокида мажлис ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиiddин Эшқувватов, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари иштирок этиб, қурилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш, қурилиш ишлари устидан тизимли

мониторингни таъминлаш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қурилиш ишларини фақатгина барча зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилиб, белгиланган тартибда рухсатномалар олингандан кейин бошлаш лозим. Йиғилишда ўзбошимчилик билан амалга оширилаётган қурилиш ишларининг олдини олиш, қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли вазифалар белгиланди. Шу билан бирга, ҳамкор ташкилотлар билан назорат тадбирларини янада кучайтириш, қонунийлик, шаффофлик ва сифатни таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Сув таъминоти соҳасида мониторинг тадбирлари давом этапти



Булардан ташқари, ўрганишлар жараёнида 13 та оқова сувларни чиқариш тизимига метёрдан ортиқ ифлослантирувчи моддаларни оқизган корхонада текширишлар ўтказилди. Қоидабузарлик содир этган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди. 12 та ҳолатда истеъмолчилар ва сув таъминоти корхоналари ўртасида инвестиция дастурлари асосида қуриб битказилган ичимлик сув тармоқларидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномалар шартларига амал қилиниши юзасидан ўрганиш ўтказилиб, уларнинг 11 тасида камчиликлар аниқланди ҳамда қоидабузарларга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди. 52 та авария ҳолати бартараф этилиб, 67 та тарғибот тадбири ўтказилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида жами 87 та ҳолатда ҳуқуқбузарларга нисбатан 298,7 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Соҳада қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамастан охириги пайтларда сув таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга асоссиз қарздорлик ёзилаётганлиқ ҳолатлари аниқланмоқда. Хусусан, “Almero group” МЧЖ раҳбарининг Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига қилган мурожаатида “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ билан тузилган шартнома шартларига амал қилинган бўлсада, улар томонидан ортиқча сув истеъмол қилингани рўқач қилиниб, 19 595 520 сўм ундирилгани баён қилинган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Яккасарой туманида истиқомат қилувчи фуқаро А. Юлдашев Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига қилган мурожаатида “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ ходимлари томонидан ўтказилган хатлов жараёнида унга тегишли бўлган объектдаги сув ҳисоблагич ускунаси ишламай (айланмай) қол-

▼ Мониторинг жараёни.



гани аниқланиб, ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилганини қайд этган. Шунингдек, унинг мурожаатида орадан 1-2 соат ўтгач ҳеч қандай ташқи таъсирсиз сув ҳисоблагич ускунаси яна ишлаб кетгани, сув ҳисоблагич ускунаси яна ишламай қолмаслигини олдини олиш мақсадида янги сув ҳисоблагич ўрнатгани, бироқ сув таъминоти ташкилоти томонидан 3 миллион сўм миқдорда асоссиз қарздорлик ҳисобланганини маълум қилган.

Шунингдек фуқаро, С. Халимов Инспекцияга йўллаган мурожаатида унга тегишли бўлган бинога сув таъминоти тармоғига уланиш учун барча ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уланиш сув таъминоти корхонаси томонидан бажарилган бўлсада, асоссиз равишда 19 млн 225 минг сўмлик қарздорлик ҳисобланганини баён қилган.

Юқорида қайд этилган мурожаатларга асосан, Инспекция томонидан тегишли тартибда ўрганишлар ўтказилиб, фуқароларнинг қонуний манфаатларини тиклаш юзасидан сув таъминоти корхонасига кўрсатмалар киритилди. Ўрганиш ишлари давом этапти.

Оқова сувларни ифлослантирганларга жавобгарлик бор

▼ Хоразм вилоятида назорат тадбирлари давом этмоқда.



Бундай ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1631-моддаси (Оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш) билан маъмурий чоралар қўлланилиши мумкин. Юқоридаги ҳолат аниқланган тақдирда МЖТК-нинг 1631-моддаси билан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса, ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, келтирилган зарар миқдорига қараб, қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий жарималар ва бошқа таъсир чоралари белгиланади.

Жорий йил бошидан бугунги кунга қадар Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига метёрдан ортиқ ифлослантирилган оқова сувларни оқизганлик бўйича жами 17 та тадбиркорлик субъектида назорат тадбирлари амалга оширилиб, 15 та қонун бузилиш ҳолати аниқланган. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан корхоналарнинг

мансабдор шахсларига нисбатан умумий қиймати 61,8 миллион сўмлик маъмурий жарималар расмийлаштирилган.

Шунингдек, “Хоразм сув таъминоти” АЖ томонидан ушбу ташкилотларга оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига нормадан юқори даражада ифлослантирилган оқова сувларни оқизиб юборганини учун 22,4 миллион сўмлик компенсация тўловлари ҳисоб-китоб қилинган.

Меъёридан ортиқ ифлослантирилган оқова сувларнинг тармоқларга тушиши қўллаб-қўллаб салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа истеъмолчилар оқова сувларни чиқаришдан олдин локал тозалаш иншоотларидан фойдаланиш, сув таркибининг доимий назорат қилиб бориши ва белгиланган нормативларга қатъий риоя қилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, оқова сувларни метёрдан ортиқ ифлос ҳолда коммунал тармоқларга оқизиш нафақат қонунбузарлик, балки атроф-муҳит ва жамият саломатлигига таҳдид солувчи ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир корхона ва истеъмолчи бу борадаги талабларга масъулият билан ёндашиши, табиатни муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшиши муҳимдир.

Энергетика вазирлиги ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ раҳбарлари диққатига!

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда энергетика соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Барқарор энергетика – Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами” шиори остида бошланган янги босқич мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Рақамлар шуни кўрсатадики, тизим тубдан янгиланмоқда. Хусусан, 35 миллиард долларлик инвестиция, 9 минг мегаватт янги қувват, “яшил” энергия улушининг 30 фоизга етиши – буларнинг барчаси энергетика тарихида янги саҳифа очмоқда.

Аммо савол туғилади: кенг қўламли инвестициялар ва йирик лойиҳалар фонида жойлардаги оддий истеъмолчи муаммоси қанчалик ҳал бўлмоқда?

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Рақамлар ортидаги ҳақиқат

2017 йилда 60 миллиард кВт-соат электр ишлаб чиқарилган бўлса, бүгунги кунда бу кўрсаткич 85 миллиард кВт-соатга етди. Куёш ва шамол станцияларининг жадал ривож, хусусий секторнинг жалб қилиниши, минглаб километр электр тармоқларининг янгиланиши – булар тизимни модернизация қилиш йўлидаги жиддий қадамдир.

Масалан, Тошкент шаҳри Юнусобод туманида Президентимизнинг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-91-сонли “Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора тadbирлари тўғрисидаги” ва 2025 йилнинг 22 сентябрдаги ПҚ-598-сонли “Тошкент шаҳри электр таъминотини яхшилашга қаратилган дастурни амалга ошириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги қарорлари доирасида унлаб трансформатор янгиланди, юзлаб километр кабел тармоқлари алмаштирилди, подстанцияларда реконструкция ишлари бошланди. 625 нафар фуқародан тушган мурожаат ижобий ҳал этилди. 2024–2025 йилларда куёш панеллари ўрнатиш режалари 102–103 фоизга бажарилиди.

– 2025 йилда Юнусобод туманида электр таъминоти инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича белгиланган дастур тўлиқ ва ортиғи билан бажарилиди, – деди “Худудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент худудий филиали Юнусобод тумани электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Ҳасан Мирдавдов. – Жами 142,6 километр тармоқ, кабелъ ва хаво линиялари тўлиқ янгиланди. 20 та трансформатор пункти модернизация қилинди. Буларнинг бари аҳолини барқарор ва сифатли электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилмоқда. 2026 йилда ҳам Президентимизнинг ПҚ-598-сонли қарори асосида белгиланган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмақда. Айрим йўналишларда ишлар тўлиқ ажунланмаган бўлсада, трансформаторлари алмаштириш ва 6/10 кВ кабелъ тармоқларини янгилаш ишлари давом этапти. Асосий мақсад – туман электр тармоқларининг ишончилигини ошириш, юклагани барқарор тақсимлаш ва истеъмолчиларни улузсиз электр энергияси билан таъминлашдан иборат.

Булар, шубҳасиз ижобий натижалардир. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Жумладан, мақола ёзиш жараёнида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент худудий филиали Юнусобод тумани электр таъминотининг расмий Telegram каналида бир ой давомида эълон қилинган маълумотларни мониторинг қилдик. Кузатувлар шуни кўрсатдики, Юнусобод туманидаги “Бодомзор”, “Хиебонтена”, “Исломобод”, “Шахристон”, “Ахиллобод”, “Обод”, “Фирдавсий” ва “Янги Тарнов” МФЙ худудларида “Астрономия” ва “Ботаника” подстанциясида қайта-қайта авария ҳолатлари қайд этилгани сабабли бир неча соатлаб сурункали электр таъминотидан узилиш ҳолатлари қайд этилган. Бу ҳолат модернизация ва янгиланиш ишлари олиб борилаётганга қарамасдан, тармоқларда тизимли муаммолар ҳамон сақланиб қолаётганини аниглади.

Юнусобод тумани пойтахтнинг энг замонавий ва инфратузилмаси ривожланган, деярли барча бошқарув органлари, вазирлик идоралар жойлашган худудларидан бири сифатида тилга олинади. Аммо сўнгги йилларда айнан шу туманда электр энергияси билан боғлиқ авариялар такрор ва такрор кузатилаётгани аҳоли орасида жиддий саволларни тудирмоқда. Айниқса, электр таъминотидаги узилишларнинг кузатилиши айнан совуқ ёки жазирама иссиқ кунларга тўғри келиши тўғрисида оддий холга айланиб қолгандек. Электр узилиши 3–5 соат билан чекланмай, айрим маҳаллаларда 7–8 соат, ҳатто бир кунгача чўзилаётган ҳолатлар бор. Бу эса, оддий маиший ноқулайлик эмас, балки замонавий шаҳарда ҳаётнинг тўхташи дегани. Иситиш ва совитиш тизимлари ишламайди, интернет ва алоқа узилади. Масофадан ишлаётганлар, ўқиётган талабалар, касал ёки ёш болали oilлар бундан бевосита зарар кўради. Электр энергиянинг сурункали узилиши оқибатида кўп-лаб хонадонларда маиший техникаларнинг ишдан чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Мутахассислар электр узилишларининг асосий сабаблари сифатида тармоқларга юклама ошгани, трансформатор қувватининг етишмаслиги ҳамда эскирган кабелъ линияларини кўрсатишадди. Агар сабаблар маълум бўлса, нега муаммо ҳануз бартараф этилмапти? Ёки қайта ва қайта бир худудда содир бўлаётган аварияларни узил-кесил ҳал этиш имкони йўқми?



Шунингдек, бүгунги кунда Юнусобод туманида электр энергияси билан боғлиқ қарздорлик масаласи тўлиқ бартараф этилгани мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг тўлов интизомига риоя қилиши энергия тизими учун муҳим омил ҳисобланади. Чунки ўз вақтида тушган маблағ электр тармоқларини таъмирлаш, янги трансформаторлар ўрнатиш, эскирган кабелларни алмаштириш ҳамда техник хизмат кўрсатиш ишларини молиялаштириш имконини яратади. Демак, электр энергия тўловлари ўз вақтида амалга оширилса, аҳоли ҳам сифатий электр энергияси билан таъминланиши керак эмасми?

2023 йилнинг январь ойидаги аномал совуқлардан сўнг расмий баёнотларда энергетика тизими қисқа муддатда барқарорлаштиши, инфратузилма янгиланиши ҳақида ваъдалар берилган эди. Хусусан, энергетика вазири Жўрабек Мирзамухмудов журналист Азиза Қурбонованинг “You Tube” даги “Ўзи нима гап?” лойиҳасига берган интервьюсида 2024 йилдан бошлаб мамлакат ички энергия эҳтиёжини 100 фоиз қоплаш вазифаси қўйилганини таъкидлаб, “Агар буни бажаролмасак, нафақат мен, балки тизимдаги барча масъулар ишлашга нолыйқимиз” деган эди. Бироқ орадан икки йил вақт ўтганига қарамай, аҳоли фикрича, ҳолат ҳануз “эски ҳаммом, эски тос”.

Шу ўринда савол туғилади: нега айнан бир худудда бу муаммо такрорланаверади? Ёки бошқа худудларда ҳам аҳвол шунақами? Электр таъминоти учун бевосита масъул ташкилот “Худудий электр тармоқлари” ҳисобланади. Тизим устидан умумий назорат эса Энергетика вазирлиги зиммасига юклатилган. Бу масалада “Худудий электр тармоқлари” АЖ мутахассислари билан боғланишга ҳаракат қилдик, аммо ташкилот мутасаддилари журналистнинг расмий сўровига жавоб беришни хоҳлашмади.

Электр энергияси нархи ошар экан, барқарорлик ҳам ошиши керак эмасми?

Бүгунги кунда электр энергияси истеъмоли учун тўлов тизими аниқ белгиланган, яъни маълум бир лимитгача истеъмоли қилинган энергия учун бир нарх, белгиланган нормадан ошган тақдирда эса янада юқори тариф қўлланилади. Масалан, 1 кВт/соат учун 600 сўм миқдоридagi тўлов норматив чегарада амал қилади, ундan ортиқ сарф қилинган энергия учун эса оширилган тариф жорий этилади. Мазкур тизимнинг моҳияти эса, энергия истеъмолини тартибга солиш ва тизимга тушадиган юклагани мувозанатлаштиришдан иборат. Бироқ шу ўринда табиий савол туғилади: агар истеъмолчи кўпроқ тўлаётган бўлса, нега электр энергияси таъминотининг барқарорлиги ҳам шунга мутаносиб равишда яхшиланмапти?

Аҳоли ва тadbиркорлар учун энг муҳим масала бу – нархнинг ўзи эмас, балки хизмат сифати ҳисобланади. Электр энергияси узилишлари ёки қуланлишдаги теbrанишлар мунтазам кузатилаётган шaroитда тарифларнинг оширилиши жамоатчиликда ҳақли саволларни келтириб чиқаради. Ахир икисодий мантiққа кўра, хизмат учун тўланаётган ҳақ ошган сари унинг сифати ҳам яхшиланиши керак. Акс ҳолда, нарх ва хизмат сифати ўртасидаги мувозанат бузилади. Аҳолида норозилик кайфияти юзга келади.


Зангиоталиклар электр тармоқларидан розими?

Зангиота туманида ҳам электр таъминоти тизимини модернизация қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сонли “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-таdbирлар тўғрисида”ги ҳамда 2025 йилнинг 1 апрелида қабул қилинган ПҚ-133-сонли “Ёқилги-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-таdbирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари асосида 19 километр электр узатиш тармоқлари реконструкция қилиниб, 7 та янги трансформатор пунктлари ўрнатилди. 163,8 километр тармоқ ва 53 та трансформатор тўлиқ таъмирланди.


Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор, деганларидек ушбу тизим ҳам камчиликлардан холи эмас. Жумладан, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ўратепа маҳалласида кўп қаватли уйларга бириктирилган трансформатор электрон худудий электр тармоғи ходимлари томонидан қарздорлик асосида электр таъминоти ўчириб қўйилмоқда. Бу вазиятда қарздорлик бартараф этилгандан кейин ҳам электрини қайта улаш автоматик тарзда амалга ошмайди. Яъни фуқаро худудий электр тармоғига бориб, мутахассис чакиртиришга мажбур бўлади. Бу ҳолат аҳолидан қўшимча вақт талаб қилиб, қатор ноқулайликлар тудирмоқда.

1 соат ва 1 кунда қанча электр ва пул кетади?


Маълумот учун, бүгунги кунда 1 кВт электр энергияси 600 сўм этиб белгиланган. Оддий маиший техника истеъмоли куйдагича:




телевизор (LED)
1 соат:
0.1 кВт → 60 сўм
1 кун (24 соат ишласа):
2.4 кВт → 1 440 сўм;




Аристон (сув иситгичи)
1 соат:
1.5–2 кВт → 900–1 200 сўм
1 кун:
36–48 кВт → 21 600–28 800 сўм;




кондиционер (12 лик)
1 соат:
1–1.5 кВт → 600–900 сўм
1 кун:
24–36 кВт → 14 400–21 600 сўм;



лампочка (LED)
1 соат:
0.01 кВт → 6 сўм
1 кун:
0.24 кВт → 144 сўм;



телефон зарядкаси
1 соат:
0.02 кВт → 12 сўм
1 кун:
0.48 кВт → 288 сўм;



музлатгич (ўртача, А/А+ класс)
1 соат:
0.1–0.15 кВт → 60–90 сўм
1 кун:
2.4–3.6 кВт → 1 440–2 160 сўм.

Демак, биргина кондиционер ёки сув иситгични назоратсиз ишлатиш ой охирида сезиларли молиявий юкни юзга келтиради. Лекин истеъмолчи энергияни тежашга интилаётган бир пайтда, тизимдаги техник носозликлар ва бошқарувадаги узилишлар фуқарони қўшимча оврагарчиликларга дучор қилмаяптими?

Асосий мақсад эса, техник модернизация билан бир қаторда, ҳар бир абонент учун шаффоф, қулай ва рақамли бошқарува асосланган хизмат тизимини шакллантиришдир.

Муаммолар нега тугамаяпти?

Мутахассислар фикрига кўра, мазкур муаммонинг юзага келишига бир қатор тизимли омиллар сабаб бўлмоқда.

Аввало, зарур электротехник жиҳозларни ишлаб чиқарувчи заводнинг мамлакатда ягона экани таъминот жараёнини чеклаб қўймоқда.

Қолаверса, электр ускуналарига бўлган талабнинг кескин кўпайиши мавжуд ишлаб чиқариш қувватларига қўшимча юклама ортапти. Натижада ишлаб чиқарувчи корхона келиб тушаётган буюртмаларни бажаришга улгурмаяпти.

Бундан ташқари, реконструкция жараёнида вақтинчалик авария ҳолатларининг тез-тез такрорланиши ҳам тизим барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Демак, ушбу муаммо фақат Юнусобод ёки Зангиота худудлари билан чекланмай, республика миқёсида кузатилаётган долзарб масалага айланган.

Хориж тажрибаси

Халқаро тажрибага назар ташласак, энергия таъминотидаги узилишлар ривожланган мамлакатларда ҳам учраб туради. Бироқ асосий фарқ шундаки, кўплаб мамлакатларда энергетика компаниялари бундай вазиятларда жамоатчилик олдида очиқ чиқиш қилиб, узор сўрайди ва истеъмолчиларга компенсация тўлаб беради.

Масалан, Австралиянинг Виктория штатида 2024 йилги кучли бўронлар натижасида юз берган электр узилишларидан сўнг, ҳукумат электрсиз қолган аҳоли учун ҳафтаига 1900 долларгача компенсация тўлаш механизмининг жорий қилган ва етказилган ноқулайлик учун узор сўраган.

Шунингдек, Буюк Британияда электр энергияси таъминоти узилган ҳолатларда истеъмолчиларни химоя қилувчи қатъий меъёрлар ҳам мавжуд. Агар электр узилиши маълум муддатдан ортиқ давом этса, тармоқ операторлари автоматик тарзда компенсация тўлайди. Масалан, электр энергияси 12 соатдан ортиқ узилган бўлса, истеъмолчи камидан 95 фунт миқдорда компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлади ва узилиш давом этган сари бу сумма ортиб боради.

2024 йилда Янги Зеландиянинг Нортленд худудида йирик электр узилиши юз берган. Электр тармоғи оператори расмий баёнот билан чиқиб, аҳолига етказилган ноқулайлик учун узор сўради ва зарар кўрган истеъмолчилар компенсация талаб қилишлари мумкинлигини маълум қилди.

Бундай ёндашувнинг моҳияти оддий, энергетика бу оддий хизмат эмас, балки жамиятнинг кундалик ҳаёти, иқтисодий фаолияти ва ижтимоий барқарорлиги билан бевосита боғлиқ стратегик тизимдир. Шу сабабли, кўплаб давлатларда электр энергияси таъминотида жиддий узилиш юз берган тақдирда, тегишли компаниялар нафақат техник сабабларни тўшунтиради, балки жамоатчилик олдида масъулият ҳам олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам тўлов тизимлари, тариф сиёсати ва хизмат кўрсатиш механизмлари кўп-лаб соҳаларда халқаро тажриба асосида модернизация қилинмоқда. Электр энергияси, газ таъминоти, коммунал хизматлар ҳам босқичма-босқич бозор тамойилларига мослаштирилмоқда. Бироқ мазкур жараёнда муҳим жиҳатлардан бири – истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш, хизмат сифати билан боғлиқ муаммолар юзга келганда очиқ мулоқот олдидан бориш ва зарур ҳолларда компенсация механизмларини қўллаш масаласи етарли даражада шаклланмаганини кўриш мумкин.

Генерация ва дистрибуция ўртасидаги номутаносиблик

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида йирик қуёш, шамол ва гидро лойиҳалар ишга туширилмоқда. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида янги “яшил” қувватларга старт берилди. “Қамбар-ота ГЭС-1” лойиҳаси бўйича Қирғизистон ва Қозғистон билан ҳамкорлик режалаштирилмоқда. Аммо электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиш бу икки хил жараён ҳисобланади. Генерация тез суръатларда ўсаётган бўлсада, жойлардаги кабел тармоқлари, трансформаторлар, ҳисоблагич тизими ва рақамли интеграция жараёни бир хил тезликда янгиланмапти.

Хозирда республикамизда “яшил” энергия улушининг 54 фоизга етказилиши, 17 минг МВт қўшимча қувватларнинг ишга туширилиши ҳамда карбон кредит тизимининг жорий этилиши стратегик жиҳатдан муҳим натижалардир. Бироқ ҳар қандай ислохотнинг ҳақиқий самараси оддий истеъмолчи кундалик ҳаётида сезилганлигидан тўлиқ намоён бўлади. Шунингдек, аҳоли электр сарфини онлайн кузата олиши, авария ҳолатларининг кескин қисқариши, ҳисоб-китоб жараёнининг шаффоф ва тўлиқ автоматлаштирилиши, шунингдек, электрни ўчириш ва улаш амалиётининг инсон омилсиз амалга оширилиши – ана шундай меzonлардир.

Фақат шундагина “барқарор энергетика” тусунчасида реал мазмун касб этиб, халқ фаровонлигига бевосита хизмат қиладиган тизимга айланади.

Хулоса қилиб айтганда, энергетика соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Истеъмолчилар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билган тақдирдагина тизимдаги очиклик ва адолат таъминланади. Шу боис, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан аҳоли ўртасида электр энергиясидан фойдаланиш қоидлари, ҳисоб-китоб тартиби ва тўлов тизими бўйича мунтазам тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга, ижтимоий ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладди. Бундан ташқари, янги қабул қилинаётган қарор ёки муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ҳақида аҳолининг ўз вақтида ва тўлиқ барқарор қилиниши фуқаролик фаоллигини оширади ҳамда ислохотларнинг шаффофлигини таъминлайди.

